



2020

*“Madad Invest Bank” АТБ томонидан
2020 йил давомида амалга
оширилган ишлар бўйича*

ҲИСОБОТ

УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

«Мадад Инвест Банк» АТБ томонидан 2020 йил давомида, Банк Кенгаши томонидан қўйилган стратегик мақсадларга эришиш, жумладан банкнинг асосий ривожланиш концепциясини амалга ошириш ҳамда бизнес режа ижросини таъминлаш мақсадида даромад келтирувчи банк активлари салмоғини банк капитали ҳамда жалб қилинган депозит маблағларини самарали жойлаштириш орқали ошириб борилди. Банк мижозлар базасини кенгайтирган ҳолда мавжуд ички имкониялардан тўлиқ фойдаланиб банк рентабеллигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширди. Шу ўринда банкда зарурий штат бирликларини жорий этиш ва уларни малакали ходимлар билан бутлаш бўйича ҳам зарур чоралар қўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12-сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3270 сонли Қарори ижросини таъминлаш ва ҳалқаро даражада рақобатбардош молия муассасасига айлантириш мақсадида, 2020 йилда банк хизматлари кўрсатишнинг замонавий усулларида кенг фойдаланиш, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларини узлуксиз кредитлаш ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда масофавий интерактив банк хизматлари турини кўпайтириш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини банк хизматларига кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бир қаторда бутун дунёда кузатаётгани каби Ўзбекистонда ҳам COVID-19 Коронавирус пандемияси оқибатида иқтисодиёт тармоқларидаги иқтисодий фаолликнинг секинлашиши банк фаолиятининг тўлақонли амалга оширилишига ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Банк активлари жами қолдиғи йил бошида 183,9 млрд сўмни сўмни ташкил этган бўлиб, ҳисобот кунига келиб 217,9 млн сўмни ташкил этди ёки банк активлари ўтган давр давомида 34 млрд сўмга кўпайди. Банк активлари банкнинг

Ўз маблағлари ҳамда мижозларнинг жалб қилинган маблағлари ҳисобига оширилди, жумладан банк мажбуриятлари йил бошида 56,2 млрд сўм бўлса, ҳисобот кунига келиб -73,7 млрд сўмга етди, ёки йил бошига нисбатан -17,5 млрд сўмга кўпайди. Шу билан бир қаторда банк капитали -127,7 млрд сўм бўлган бўлса, йил якунида 144,2 млрд сўм ёки йил бошига нисбатан -16,4 млрд сўмга ошишига эришилди.

Натижа 2020 йилнинг 31 декабр ҳолатига

- банк активлари - 217,9 млрд сўмни, шундан, юқори ликвидли активлар миқдори - 52,4 млрд сўмни ташкил этиб умумий активлардаги улуши - 24 % (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган меъёр - 10%га нисбатан 14 фоиз поғонага баланд)ни ташкил этди.

- Юқори ликвидли активлар (52,5 млрд сўм)нинг қисқа муддатли мажбуриятлар (43,5 млрд сўм)даги улуши 120 % доирасига етказилиб (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган меъёр - 40%га нисбатан 80 фоиз поғонага баланд)ни ташкил этди.

Активлар таркибида даромад келтирувчи активлар деярли 71 % қисмини ташкил этди, йил бошида - 151 149 млн сўмни ташкил этган бўлса, ҳисобот кунига келиб 153 848 млн сўмгача ўсишига эришилди.

Банкнинг активларга қўйилмаларни амалга ошириб бориш ҳисобидан фойда олиш ва мижозлар олдидаги барча тўлов мажбуриятларини шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаш ўртасидаги мувозанатни сақлаб туриш орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан ликвидликни таъминлаш бўйича ўрнатилган нормативлар бажарилиши таъминланди.

2020 йил давомида банк томонидан олинган даромад -47,2 млрд сўм, амалга оширилган харажат -30,8 млрд сўм, соф фойда эса -16,4 млрд сўмни ташкил этиб ўтган йилнинг шу даври(15,5 млрд сўм)га нисбатан - 874 млн сўм кўп фойда олинишига эришилди. Банк бизнес режаси билан ўрнатилган 16,2 млрд сўм соф

фойда олиш режаси 170 млн сўм кўп соф фойда олиниси билан 101 фоизга бажарилди.

Банк капитали- 144,2 млрд сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 16,4 млрд сўмга ёки - 113 фоизга кўпайди.

Банк ишчи ходимлари сони 80 тани ташкил этиб, утган йилнинг худди шу даврига нисбатан 9 тага озайган.

Банк мижозлари сони 11 420 та, шундан 272та якка тартибдаги тадбир-корлар ва 973та юридик шахслар ҳамда 10 175та жисмоний шахсларни ташкил этди. Шу ўринда ўтган йилнинг шу даврида банк мижозлари 9267тани ташкил этган бўлиб, ўтган даврда мижозлар сони - 2153 тага кўпайди.

Банк фаолиятини чуқурроқ, таҳлил киладиган бўлсак, қуйидагиларни кўриш мумкин:


Банк активлари

Банк активлари йил бошига нисбатан, ўтган йил шу даврига нисбатан ҳамда ўтган чоракка нисбатан ўсиб бориш динамикасини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:


млн сўм

Кўрсаткичлар	2019 йил 31 декабр	2020 йил 31 март	2020 йил 30 Июнь	2020 йил 30 Сентябр	2020 йил 31 Декабр	Фарқи	
						Ўтган йилга нисбатан	Ўтган чоракка нисбатан фарқи
Нақд пуллар	4 829	10 811	7 672	7 019	6 365	1 537	-653
Вакиллик ҳисоб рақамдаги пуллар	33 360	30 601	48 441	52 601	61 242	27 882	8 641
Ссудалар (соф холда)	140 257	141 723	143 766	136 971	135 124	-5 133	-1 847
Асосий воситалар	2 269	2 378	2 472	2 603	3 234	966	631
Бошқа активлар	3 239	5 811	9 502	9 943	11 894	8 654	1 951
Жами	183 954	191 323	211 855	209 136	217 859	33 906	8 723

Банк активларининг ўзгариш динамикаси



Банк активлари таркиби қуйидагича улушларни ташкил этди:




Банк мажбуриятлари

Банк мажбуриятлари таркибини ўзгариши таҳлил этилганда йил бошига нисбатан, ўтган йил шу даврига нисбатан ҳамда ўтган чоракка нисбатан ўзгариш динамикасини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:


млн сўм

Кўрсаткичлар	2019 йил 31 декабр	2020 йил 31 март	2020 йил 30 Июн	2020 йил 30 Сентябрь	2020 йил 31 Декабрь	Фарқи	
						Ўтган йилга нисбатан	Ўтган чоракка нисбатан фарқи
Талаб қилиб олингунча	14 072	15 040	24 735	24 437	37 976	23 903	13 539
Жамғарма	67	61	62	63	60	-7	-3
Муддатли	20 846	16 060	20 032	10 488	7 531	-13 315	-2 957
Олинган кредитлар	9 719	8 959	8 895	8 576	7 584	-2 134	-992
Бошқа депозитлар	11 125	18 516	19 546	20 544	20 457	9 332	-87
Бошқа мажбуриятлар	383	3	70	37	79	-304	42
Жами	56 211	58 639	73 339	64 144	73 687	17 476	9 542

Банк мажбуриятларининг ўзгариш динамикаси



Банк мажбуриятлари таркиби куйидагича улушларни ташкил этди:



Ходимлар билан ишлаш.

Бугунги кунда банкда жами 86 нафар ишчи ходимлар фаолият юритаётган булиб, шундан 5 нафари бошқарув ходимлари, 31 нафари таркибий булинма бошликлари, 50 нафари мутахассилардан иборат. Банк ходимларининг 50 нафари олий иктисодий маълумотли бўлиб, ундан 3 нафари баню молия академияси битирувчиларидир. Банкда ўрта ва ўрта махсус маълумотли малакали кадрларни кайта тайёрлаш бўйича олий ўқув юртлари билан ҳамкорликлар олиб борилмоқда.

Кредитлаш фаолияти натижалари.


Банкда кредит қўйилмалари қолдиғи йил бошида 143 849 млн сўм бўлиб, йил давомида 96 758 млн сўм кредитлар ажратилган бўлса, 77 656 млн сўм кредитлар сундирилишига эришилиб, йил охирига келиб 146 257 млн сўмни ташкил этди ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 408 млн сўмга кўпайди.

Ҳисобот даври якунида банкда 12 367 млн сўм муддати ўтган кредит, 2,9 млн сўм суд жараёнидаги кредит қолдиғи мавжуд бўлиб, бу умумий кредит қўйилмалари суммасининг 8,5 фоизини ташкил этди.

Кредит қўйилмаларининг ўзгариш динамикаси

млн сўм

2019 йил 31 декабр	2020 йил 31 март	2020 йил 30 Июнь	2020 йил 30 Сентябрь	2020 йил 31 Декабрь	Фарқи	
					Ўтган йилга нисбатан	Ўтган чоракка нисбатан
143 849	145 235	147 244	139 939	146 257	2 408	6 318




2020 йил давомида иқтисодиётнинг турли соҳаларига, жумладан реал сектор тармоқларига: қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш, саноат, транспорт ва коммуникацияга ҳамда жисмоний шахсларга кредитлар ажратилди. Кредитларга бўлган талабдан ҳамда иқтисодиёт ҳолатидан келиб чиққан ҳолда қўлланилган фоиз сиёсати натижасида ўртача тортилган фоиз ставкаси жами кредит портфелига нисбатан 20,4 фоизни ташкил этди.

Кредитларни иқтисодиёт тармоқлари бўйича ажратилиши

млн сўмда

Кўрсаткичлар	2019 йилда	2020 йилнинг чораклари бўйича				2020 йилда	Фарқи	
		1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак		Ўтган йилга нисбатан	Ўтган чоракка нисбатан
Қишлоқ хўжалиги	3 524	410	857	785	9 948	12 000	8 476	44%
Қурилиш	18 255	4 828	2 507	3 258	11 338	21 931	3 676	-2 32%
Савдо ва умумий овқатланиш	16 765	4 263	5 204	2 270	1 006	12 743	-4 022	94%
Саноат	59 995	8 726	675	5 125	8 671	23 197	-36 798	-8 05%
Транспорт ва коммуникация	2 300	0	152	4 324	0	4 476	2 176	15%
Бошқа соҳалар	13 895	310	0	12 311	9 790	22 411	8 516	-31%
Жами	114 734	18 537	9 395	28 073	40 753	96 758	-17 976	-9 14%

2020 йил давомида ажратилган кредитларни соҳалар бўйича тақсимланиши қуйидаги чизмада келтирилади:



Кўриниб турибдики ажратилган кредитларнинг катта улуши саноат, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш ва бошқа соҳаларга тўғри келди. Бугунги кунда иқтисодий ўсишни таъминлаш, ялпи ички маҳсулот қийматини кескин оширишда саноат ишлаб чиқариши муҳим ўрин тутишини инобатга олиниб ҳамда пандемия шароитида биринчи навбатда хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма маблағларини тўлдириб бориш учун устивор равишда кредитлар ажратилиб борилди.


Даромад ва Харажатлар

(млн сўм)

Кўрсаткичлар	2019 йил 31 декабр	2020 йил 31 март	2020 йил 30 Июн	2020 йил 30 Сентябр	2020 йил 31 Декабр	Фарқи	
						Ўтган йилга	Ўтган чоракка
Фоизли даромадлар	27 492	7 228	14 680	23 480	32 891	5 398	203
Бошқа банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромад	238	454	976	1 619	2 346	2 107	726
Ссудалардан олинган фоизли даромадлар	26 640	6 647	13 459	21 500	30 076	3 436	8 576
МБ ҳисоб рақами даромади	0	0	0	0	0	0	0
Берилган лизингдан олинган фоизли даромадлар	614	127	245	360	469	-145	109
Фоизсиз даромадлар	4 287	3 446	7 717	11 222	14 262	9 975	3 040
Комиссион даромадлар	1 883	837	1 755	2 664	4 238	2 355	1 573
Чет эл валютаси билан боғлиқ даромадлар	1 334	1 817	5 134	7 219	8 611	7 276	1 392
Бошқа даромадлар	1 070	792	828	1 339	1 414	344	75
Жами даромадлар	31 780	10 674	22 397	34 702	47 153	15 374	12 451
Фоизли харажатлар	964	522	1 162	1 721	2 300	1 337	579
Депозитларга фоизли харажатлар	659	417	960	1 420	1 908	1 249	488
Ссудалар бўйича фоизли харажатлар	304	104	201	300	391	87	91
Бошқа фоизли харажатлар	0	1	1	1	1	1	0
Фоизсиз харажатлар	1 290	1 832	4 471	6 175	7 539	6 249	1 364
Хизматлар бўйича комиссион харажатлар	779	204	747	939	1 418	639	479

Чет эл валютаси билан боғлиқ зарарлар	511	1 628	3 723	5 236	6 121	5 610	885
Операцион харажатлар	7 727	1 974	3 452	5 245	7 411	-317	2 165
Иш ҳақи ва бошқа харажатлар	4 794	1 377	1 900	3 262	4 325	-469	1 063
Оффис арендаси тўлови ва таъминот харажатлари	939	282	483	657	1 022	83	365
Ҳизмат сафари ва транспорт харажатлари	195	37	60	73	93	-102	20
Маъмурий харажатлар	475	67	223	305	399	-76	95
Хайрия	582	6	389	403	408	-173	5
Эскириш харажатлари	561	160	329	450	719	158	270
Солиқ, сугурталаш ва бошқа харажатлар	181	45	67	96	444	263	348
Эҳтимолий йўқотишларга захиралар	3 419	704	704	700	8 915	5 495	8 214
Жами харажатлар	13 400	5 031	9 789	13 841	26 164	12 764	12 323
Фойда солиғи	2 873	752	1 886	3 662	4 609	1 736	947
Соф фойда	15 506	4 891	10 722	17 199	16 380	874	-819

Банкнинг соф фойдаси ўсиш тенденциясини қуйида чизмада келтирилади:



Соф фойда ва бизнес режа кўрсаткичлари бажарилиши

Банк даромади 47,2 млрд сўмни, харажатлар 30,8 млрд сўмни, соф фойда 16,4 млрд сўмни ташкил этиб ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 874 млн сўмга ёки 106 фоизга кўп фойда олиншига эришилди.

Банк бизнес режаси 170 млн сўм ортиқча соф фойда олинши билан ёки 101 фоизга бажарилди.

Бошқарув раиси:

 М.М. Юлдашев